ISSN: 2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



iD doi crossref CYBERLENINKA НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ БИБЛИОТЕКА LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2

TOSHKENT-2022

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич
ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич
НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР 13
3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 19
4. АДИЛКАРИЕВА Феруза
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ 26
5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович
КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна
ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 36
7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович
ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 42
8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли
АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o‘g‘li
MEHNAT SHARTNOMASINING TARAFLAR IXTIYORIGA BOG‘LIQ BO‘LMAGAN HOLATLAR BO‘YICHA BEKOR QILINISHINING UMUMIY TAVSIFI 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ЮНУСОВ Ҳайдарали
ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ: МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ 61
11. МАХАМАТОВ Махмуд
ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 69
12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич
МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 74
13. РАШИДОВА Комила Искандаровна
ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ 81

14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович
ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ 87
15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович
МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ 91
16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна
ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....96

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович
ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ 102
18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна
ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ 107
19. ЮЛДАШЕВА Говхержан
САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 112

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич
Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: tiu-bek@inbox.ru

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): НАРИМАНОВ Б.А. Нодавлат тижорат ташкилотларига ўзини ўзи тартибга солиш ҳуқуқини бериш: назарий-ҳуқуқий муаммолар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 13-18

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-2

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлат ҳокимияти тизимининг ҳеч бир қисмига ташкилий жиҳатдан кирмайдиган, давлат томонидан унга тақдим этилган ваколатларни мустақил давлат муассасаси сифатида амалга оширадиган, лекин давлат органи деб эътироф этилмайдиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар, нодавлат нотижорат ташкилотини ижтимоий фойдали деб эътироф этишни ҳуқуқий тартибга солиш истиқболлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокидаги ижтимоий шериклик институтининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш стратегиялари муҳокама қилинади. Шунингдек, ушбу натижага эришиш учун Ўзбекистонда Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси мисолида нодавлат секторни ривожлантириш стратегияси каби масалалар тадқиқ этилган. Таҳлил остидаги мавзу юзасидан эришиш кўзланган мақсаднинг энг самарали йўллардан бири сифатида ўзини ўзи бошқариш ёки ўзини ўзи тартибга солиш ҳуқуқи ҳокимият ваколатларини номарказлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини таъминлаш кўрсатилади.

Калит сўзлар: ташкилий-ҳуқуқий асослар, давлат ҳокимияти тизими, мустақил давлат муассасаси, тадбиркорларнинг уюшмалари, профессионал фаолият юритувчилари, ихтиёрий ёки мажбурий аъзолик, ихтиёрийлик принципи, давлат функция ва ваколатларини бериш (делигирование), риэлторлик институти.

НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич
Доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент
E-mail: tiu-bek@inbox.ru

ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ ПРАВА НА САМОРЕГУЛИРОВАНИЕ ДЛЯ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ: ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ

АННОТАЦИЯ

Эта статья обсуждается вопросы социальной и правовой базы для любой части государственных органов, но не признания независимых учреждений, неправительственную некоммерческую организацию, которая является социально полезной. Стратегии для улучшения правовых механизмов обсуждается институт социального партнерства с неправительственными некоммерческими организациями. Для достижения этого результата, как неправительственная стратегия развития неассоциации, были изучены в Узбекистане. В качестве одного из наиболее эффективных способов является децентрализация власти, самоуправление или саморегулирующий орган, обеспечивающий деятельность институтов гражданского общества.

Ключевые слова: организационно-правовые основы, система государственной власти, независимое государственное учреждение, объединения предпринимателей, профессиональных функционеров, добровольное или обязательное членство, принцип усмотрения, предоставление государственных функций и полномочий (делигирование), институт риэлтора.

NARIMANOV Bekzod
Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate professor
E-mail: tiu-bek@inbox.ru

ARTICLE TITLE: GRANTING NON-PROFIT ORGANIZATIONS THE RIGHT TO SELF-REGULATION: THEORETICAL AND LEGAL ISSUES

ANNOTATION

This article discusses the problems associated with the improvement of the organizational and legal foundations of non-profit organizations that do not belong to any part of the system of state power, exercising the powers granted to it by the state as an independent state institution**,** but the prospects of legal regulation of the recognition of a non-profit organization as socially useful, strategies for improving the legal mechanisms of the institute of social partnership with the participation of non-profit organizations are not recognized by the state body. Also, in order to achieve this result, issues such as the strategy for the development of the non-governmental sector were studied in Uzbekistan on the example of the National Association of Non-Profit Organizations. The right to self-government or self-regulation for the decentralization of power and ensuring the activity of civil society as a whole is indicated as one of the most effective ways to achieve the intended goal in the analyzed subject.

Keywords: organizational and legal bases, the system of state power, an independent state institution, associations of entrepreneurs, professional functionaries, voluntary or compulsory membership, the principle of discretion, the provision of state functions and powers (deligation), the institute of a realtor.

Сўнгги йилларда “Эзгу бошқарув”га (“Good governance”) эришишнинг энг самарали йўллардан бири сифатида ўзини ўзи бошқариш ёки ўзини ўзи тартибга солиш ҳуқуқи ҳокимият ваколатларини номарказлаштириш ва фуқаролик жамияти инситутларининг фаоллигини таъминлаш кўрсатилмоқда.

Айниқса, давлат ҳокимиятнинг ҳеч қандай тизимига ташкилий жиҳатдан кирмайдиган, у давлат томонидан унга ваколат берилган ваколатларни мустақил давлат муассасаси сифатида амалга оширадиган, лекин давлат органи ҳисобланмаган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жуда зарур ҳисобланади. Шу боис, ушбу мавзу тобора кўпроқ тадқиқ этилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва рақобат учун шароитлар яратиш, иқтисодиёт секторларига давлат босимини камайтиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, бизнес ва жамиятнинг ўзини ўзи ташкил этиш ва ўзини ўзи тартибга солиш шакллари суст ривожланганлиги тадбиркорлик ва профессионал фаолият билан шуғулланиш учун тўла-тўкис эркин муҳитни яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Мавжуд ортиқча маъмурий ва бюрократик тўсиқлар, давлат ва бизнес манфаатларининг

номутаносиблиги тадбиркорлик фаолияти субъектларида ортиқча моддий ва вақт сарф-ҳаражатлар вужудга келишига олиб келмоқда.

Хусусан, МДҲ давлатлари олимларидан Р.Н.Якшилова [1] томонидан мазкур институтнинг ҳуқуқий мақоми, С.В.Васильева [2], И.В.Ершова [3], Е.А.Парубин [4], Щенникова [5] томонидан мазкур феноменнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилган.

Д. Ашуровнинг фикрича, нотариат ҳокимиятнинг ҳар қандай тизимига ташкилий жиҳатдан кирмайди, у давлат томонидан унга ваколат берилган ваколатларни мустақил давлат муассасаси сифатида амалга оширади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари блокига тегишли вазифаларни бажаради, лекин давлат органи эмас. Давлат нотариал фаолиятнинг асосий стандартларини белгилайди. Нотариат фаолиятини тўлиқ давлат томонидан бошқарилиши давлатга қимматга тушади. Бу юқорида таъкидланган ижтимоий давлат концепциясига мос тушмайди. Шу сабабли, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оммавий хизматларни кўрсатиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ташаббуслари, саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат функция ва ваколатларини бериш (делигирование) орқали ўзини ўзи тартибга солиш тенденцияси тобора ортиб бормоқда [6].

Фикримизча, ўзини ўзи тартибга солиш ваколатини асосан иккита йўналишда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларига бериш мумкин. Бу биринчидан, тадбиркорларнинг уюшмалари ва иккинчидан, профессионал фаолият юритувчиларининг уюшмалари ҳисобланади.

Бундай ҳолда давлат ўзини ўзи тартибга солиш фаолиятининг асосий стандартларини белгилайди. Муайян фаолиятини тўлиқ давлат томонидан бошқарилиши давлатга қимматга тушади. Бу борада нотариат, тадбиркорлар, адвокатлар ва ҳунармандлар каби соҳаларда ўзини ўзи тартибга солиш ташкилотларининг фаолиятини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Евгений Сухов фикрича, ўз-ўзини тартибга солиш деганда, тадбиркорлик субъектлари ёки професионал уюшмалар томонидан амалга ошириладиган мустақил ва ташаббускорлик фаолиятни англатади ва унинг мазмуни ушбу фаолиятнинг стандартлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва ўрнатиш, шунингдек ушбу стандартлар ва қоидалар талабларига риоя этилишини назорат қилишдир [7].

Фикримизча, ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар ривожланиш мақсадларига эришиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани муваффақиятли модернизациялашда барча секторларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, жамият, бизнес ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг таъсирчан механизмларини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар деганда қуйидаги муаллифлик таърифини илгари суриш мумкин:

“Ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилот товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқиш соҳаси ёки ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) бозори ягоналигидан келиб чиқиб ёхуд профессионал фаолият субъектларининг муайян турини бирлаштирган, ихтиёрий ёки мажбурий аъзоликка асосланган, уюшма (иттифоқ) шаклидаги ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилотдир”.

Ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилот тадбиркорлик ёки профессионал фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахслар ташаббусига кўра ёхуд қонунга мувофиқ ташкил этилади ва фаолиятини тугатади.

Энг асосий саволлардан бири тадбиркорлик ёки профессионал фаолият соҳасидаги мажбурий аъзолик масаласини тартибга солиш қонун асосида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ. Бунда ўзини ўзи тартибга солиш қонун асосида биринчидан, давлат функцияларини амалга ошириш ёки давлат органлари томонидан бажариладиган муайян функцияларни топшириш билан боғлиқ фаолият соҳаларида, иккинчидан, тадбиркорлик ва профессионал фаолиятнинг муайян турларини лицензиялаш тартиб-таомиллар ўрнига киритилади.

Шу билан бирга қайд этиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоат бирлашмаларига аъзолик масалаларида ихтиёрийлик принципига асосланиш конституциявий даражада белгиланмаган. Ихтиёрийлик принципи фақат касаба уюшмасига аъзолик масаласида баён қилинган (59-модда). Бизнингча, бундай муҳим принципни конституциявий норма даражасида жамоат бирлашмасига ихтиёрий аъзоликни белгилаш сифатида мустаҳкамлаш талаб қилинади.

Мазкур нуқтаи назар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида” (янги

таҳрири) қонунинг 17-моддасида “палатага аъзолик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурийдир” деган норма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ–3680-сон қарори билан “2018 йил 1 июлдан барча фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашга аъзолиги мажбурий, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий ҳисобланади” [8] деган қоида атрофида баҳс-мунозалар юзага келганлиги боис ҳам бугунги кунда долзарб саналади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий табиати унинг тушунчаси ва ташкил қилиниш принципидан келиб чиқади. Унга кўра нодавлат ташкилотни таъсисчиси давлат саналмайди, балки мустақил субъектлар саналиб, ушбу субъектлар давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлмайди. Мазкур ҳолатда ўзини ўзи тартибга солиш ваколати берилган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми қонун билан белгиланиши масаланинг ечими сифатида кўрилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

“Тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Президентнинг 7.12.2020 йилдаги «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4913-сон қарорида назарда тутилган.

Мазкур ҳужжат тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш билан боғлиқ жамоатчилик билан муносабатларини тартибга солиши, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этиш ва фаолият юритиш, уларга аъзолик (иштирок этиш) ва уларнинг ҳуқуқий мақомини, давлат томонидан тартибга солиш механизмларини белгилаши режалаштирилмоқда [9].

Қонун лойиҳасида ўзини ўзи тартибга солиш тушунчаси билан бир қаторда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзосининг шахсий манфаати, профессионал фаолият, профессионал фаолият субъектлари, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот қоидалари ва стандартлари тушунчаларини бериш мақсадга мувофиқ.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилот сифатида эътироф этишда муайян талаб ва шартлар белгиланиши муҳим ҳисобланади. Хусусан, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот таркибида камида 15 та тадбиркорлик субъектининг ёки маълум бир турдаги камида 50 та профессионал фаолият субъектларининг аъзолари сифатида бирлашиш талабини белгилаш мумкин. Бунда энг асосий муаммо нодавлат нотижорат ташкилотининг жамоат бирлашмаси ёки тадбиркорлик субъектлари уюшмасига қайси бирига тегишли бўлишини аниқлаб олиш ҳисобланади. Чунки бугунги кунда юридик шахслар бирлашмалари жамоат бирлашмаларидан фарқли равишда давлат хизматлари марказларида рўйхатдан ўтмоқда.

Шунингдек, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг барча аъзолари учун мажбурий бўлган тадбиркорлик ёки профессионал фаолият учун стандартлар ва қоидаларнинг мавжудлигини ҳам келтириш жоиз. Мазкур стандартлар ва қоидаларга амал қилишни назорат қилиш ваколатини ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотга берилиши мумкин.

Бундан ташқари, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот томонидан унинг ҳар бир аъзосининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) истеъмолчилари ва бошқа шахслар олдида қўшимча мулкий жавобгарлигини таъминлашини қатъий белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ўзини ўзи тартибга солишнинг хусусиятларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- ✓ ўз-ўзини тартибга солишни жорий этиш ва ривожлантиришнинг қонунчилик базаси ва концептуал асосларини шакллантириш;
- ✓ ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларга давлат функцияларини босқичма-босқич топшириш ва лицензия тартиб-таомилларини мажбурий аъзолик билан алмаштириш;
- ✓ ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар;
- ✓ ихтиёрий аъзоликка асосланган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этиш ва ривожлантириш тадбиркорлик ва касбий фаолияти субъектларини рағбатлантириш;
- ✓ қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқишда ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш механизмларини яратиш орқали ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини ривожлантириш.

Давлат барча соҳани ўзи назорат қилиши ижтимоий давлат концепциясига ҳам мос тушмайди. Шу сабабли, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оммавий хизматларни кўрсатиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ташаббуслари, саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат функция ва ваколатларини бериш (делигирование) орқали ўзини ўзи тартибга солиш тенденцияси тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, риэлторлик институтининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилганда риэлторлар ҳамжамиятининг ўзини ўзи тартибга солиш ташкилотларини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг фаровонлиги унинг бошқарув асосларига бевосита боғлиқдир. Давлат бошқаруви нечоғлик самарали, ҳаётий ва халқчил бўлса, унда фуқаролик жамияти институтлари иштироки қанчалик кўлами кенг бўлса, айниқса ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларнинг ўрни юқори бўлса, энг аввало, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши шунчалик осон бўлади. Аксинча, бирон-бир масалани самарали ҳал эта олмайдиган давлат бошқаруви тизими амалда ўзининг аҳамиятини йўқотади.

Шу сабабли риэлторлар ҳамжамиятини ўзини ўзи тартибга солиш ташкилоти сифатида белгилаб, конституциявий-ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Сир эмас, бугунги кунда риэлторлик соҳасида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Масалан, риэлторлик касб этикасига риоя этилмаётганлиги, риэлторлар сафида, шу жумладан, риэлторлик фаолияти билан тегишли рухсатсиз фаолияти олиб бораётган шахслар орасида фирибгарлик, товламачилик каби жиноятларнинг тез-тез содир бўлиши, риэлторлик фаолият билан боғлиқ даромадларни яшириш ва солиқлардан қочиш каби нохуш ҳолатлар мавжудлиги сир эмас.

Мазкур камчиликлар ва муаммолар соҳада қуйидаги ислоҳотларни амалга оширини тақозо қилмоқда:

1. Профессионал риэлторларнинг малакасини ошириб бориш;
2. Профессионал риэлторларнинг малака талабларини ишлаб чиқишда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш;
3. Соҳадаги ошиб бораётган ҳуқуқбузарликларни юзага келишига сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
4. Соҳага халқаро стандартларни жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунининг [10] 51-моддасига асосан “Риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари камида элликта риэлторлик ташкилотининг ва риэлторнинг аъзолигига асосланган, риэлторларнинг профессионал даражасини оширишга ва сақлаб туришга кўмаклашиш, уларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан судларда ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилоти” ҳисобланади.

Шу мақсадда, бугунги кунда юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк дахлсизлиги ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатишда турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профессионал риэлторлар ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур мақсаднинг амалга оширилиши, кўчмас мулк бозорида хуфёна иқтисодиёт салмоғининг сезиларли даражада камайиши, фуқароларнинг фирибгарларга алданиб қолишининг олдини олиш, риэлторлар фаолиятида номарказлаштиришни кучайиши, риэлторлар билан боғлиқ муносабатларда халқаро даражада тан олинган стандарт ва принциплар асосида этика нормаларини жорий этиш, риэлторлар билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомилларни шаффофлаштириш каби муҳим вазифаларни ечимига хизмат қилади.

Риэлторларнинг жамоат бирлашмасининг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти тадбиркорлик ёки профессионал фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан ёки қонунга мувофиқ фаолиятни ташкил қилади ва тугатилади.

Мазкур ташкилот келгусида ўз аъзолари яъни риэлторларга қўйиладиган аниқ талабларни аниқлаш, унинг аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва хавфсизлигини ошириш, товарларни (ишларни, хизматларни)сифатига нисбатан истеъмолчиларни йўлдан оздирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мулкий жавобгарликни таъминлаш усулларини қўллаш, аъзоларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Якшилова Р. Н. Правовой статус нотариальной палаты //I Лужские научные чтения. СОВРЕМЕННОЕ НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. – 2013. – С. 268-276.

2. Васильева С. В. и др. Саморегулирование как основание передачи публично-властных полномочий // Вестник Санкт-Петербургского университета. Право. – 2011. – №. 3. – С. 72-80.

3. Ершова И. В. Саморегулирование предпринимательской и профессиональной деятельности: вопросы теории и законодательства //Актуальные проблемы российского права. – 2014. – №. 10. – С. 2142-2150.

4. Парубин Е. А. Адвокатская палата и нотариальная палата. – 2021.

5. Васильева С. В. Саморегулирование как способ правовой децентрализации в России // Вопросы государственного и муниципального управления. – 2013. – №. 4. – С. 191-202.

6. Ashurov D. The role of new notary in raising the prestige of new Uzbekistan //The American Journal of Political Science Law and Criminology. – 2022. – Т. 4. – №. 05. – С. 43-48.

7. Саморегулируемые организации. Юридические, финансовые, налоговые аспекты / Е.П. Сухов. – М: ИД «ГроссМедиа»: РОСБУХ, 2010. – 72 с. – ISBN 978-5-4230-0195-7. – С 4-5.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2018 йилдаги ПҚ-3680-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори // URL: https://lex.uz/docs/3698698;

9. URL: https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/uz-uzini_tartibga_soluvchi_tashkilotlar_faoliyati_qonuniylashtiriladi

10. Ўзбекистон Республикасининг 22.12.2010 йилдаги ЎРҚ-269-сон “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // URL: https://lex.uz/docs/1714042.